


АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 14 ИЮЛЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 28 (576) • www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

«Фалла — 2006»

ХИРМОН ТЎЛИҚ, РИЗҚ БУТУН

Пойтахт вилояти ғалакорлари эл-юрт хирмонига 267 минг 400 тоннадан зиёд сара дон етказиб бердилар. Ялпи ҳосил эса 500 минг тоннадан ошиши кутилмоқда



Соҳибжон САЛИМОВ

Этиборли жихати, сўнги 2-3 йил мобайнида донни қабул қилиб олиш, жойлаштириш ва сифатли сақлаш имконини берувчи элеватор ҳамда механизациялаштирилган омборхоналар, юздан зиёд ихтисослаштирилган уруғлик дон тарқатиш шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Шохобчамиз бирийла 30 минг тоннагача донни қабул қилиш имкониятига эга, — дейди Оққўрғон дон қабул қилиш шохобчаси мудири Музаффар Валиев. — Илгарилари, ўзимизнинг мустақил шохобчамизга эга эмасдик. Бунинг устига ғаллакорлар етиштирган ҳосилларини 5-10 километр йўл босиб олиб келишарди.

Истиқлол йилларида юртимизда 30 дан зиёд маҳсулдор ғалла навлари яратилди. Бугун дала-ларга еримиз ва иқлим шароит-ларимизга мос янги, ҳосилдор ғалла навлари экилмоқда. Барча жойларда бўлгани каби пойтахт

вилоятда ҳам бу борада ижобий тажрибалар тўлганмоқда.

Йўлдош Охунбоев номли ширкат ҳўжалиги нафақат ўртачирчиқда, балки вилоятда ҳам илгорлардан бири сифатида этироф этилади. Мазкур ҳўжалик пахта ва ғалла уруғчилигига ихтисослашган. Ғаллакорлар жорий йил мавсумида 820 гектар майдонда деҳқончилик қилишди.

— Ғаллакорлар маҳаллий иқлим шароитларимизга мос «Крошк», «Крошк» — «Элита» каби бугдой навларини кўпроқ афзал қўришмоқда, — дейди ширкат ҳўжалиги раиси Курбонали Жўраев. — Режамиз 3 минг 500 тонна бўлиб, шундан 825 тоннаси уруғликдир. Эл хирмонига 1650 тонна сифатли дон етказиб бердик. Ҳосилдорлик ўртача 50 центнерни ташкил этди. Ҳўжалигимиз аъзолари жорий йилда биргина ғаллачиликнинг ўзидан 450 миллион сўм даромад олишни кузлашган.

Дарҳақиқат, илм ва тажриба — деҳқончилик билан эгизак. Ерга бошқоқ дон уруғини қандашда унинг

тўроқ ва иқлим шароитига мос, касалик ва ҳашоратларга чидамли санавтотип навлар танланмаса, чўв тушиб қолиш ҳеч гап эмас.

— Деҳқончилик маданияти шунчаки баландрпарвоз ёки қуруқ гап эмас, — дейди Бўка туманидаги уруғчиликка ихтисослашган Ғаффор Азаматов номли ширкат ҳўжалиги раиси Саидқосим Амиров. — Ҳўжалигимизда кўплаб уста ғаллакорлар меҳнат қилишди. Уларнинг кўп йиллик тажрибалари мавсумда кўп келди. Жорий йилда 600 гектар майдонда «Крошк» — «Элита», «Крошк R1» сингари бугдой навларини экиб, эл хирмонига 1100 тоннадан зиёд сара дон етказиб бердик. 550 тонна уруғлик дон тайёрладик.

Ғаллакорлар бугун ҳам катта ифтихор ва гайрат-шижоат билан меҳнат қилишмоқда! Улар ялпи хирмонини 500 минг тоннадан оширишга аҳд қилишган.

Суратда: 1. Оққўрғон туманидаги «Бурхон» фермер ҳўжалиги раҳбари Бурхон Курбонов 23,4 гектар ерга уруғ қадаб, баракли хирмон кўтарди. 2. Вилоят ғалла ўрими-гимига 264 та комбайн сафарбар этилган.



КАРТОШКАЧИЛИК РИВОЖЛАНАДИ

Қоракалпоғистонда мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришга алоҳида этибор қаратилмоқда. Айни пайтда Оролбўйи ҳудудиде янги бог-роғлар яратиш, эскиларини тиклаш ишлари қизгин паллага кирди.

Минтақада тақририй экин сифатида кечки полиз, сабзавот маҳсулотлари етиштириш тажрибаси ҳам оммалашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Оролбўйининг жанубий туманларида картошкачиликни ривожлантириш чоралари қўрилмоқда.

Элликқалъа туманининг Ал-Хоразмий номидаги фермер ҳўжаликлари бирлашмасига қарашли «Қулиев Ражаббой» фермер ҳўжалигига ўтказилган республика кўрғазмалли семинар-кенгашида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган. Айниқса, уруғлик картошкча етиштириш масаласига жиддий этибор қаратилди. Тадбирда Тўртқўл, Беруний, Элликқалъа, Амударё, Ҳўжайли ҳамда Нукус туманлари кишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлимлари раҳбарлари, агрономлар, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Бу йил туманда бугдойдан бўшган 6,5 гектар ерга ҳосилдор ва юқори сифатли картошкча экилиб, келгуси йил учун 120 тоннадан ортиқ уруғлик етиштириш белгиланди.

«АФСОНА» — РОҲАТБАХШ МАСКАН



ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ЎТМОҚДА

Болажонларнинг ёғи таътил кунлари давом этмоқда. Мамлакатимиздаги барча оромгоҳларда уларнинг мароқли ҳордик чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган. Кармана туманидаги «Дўстлик» оромгоҳи ҳам болажонлар билан гавжум.

Бу ерда айни пайтда 150 нафар ўғил-қиз ҳордик чиқармоқда. Бутун ёз давомида оромгоҳда 500 нафарга яқин бола дам олиши кўзда тутилган.

Оромгоҳда қатор қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» мавзундаги учрашув ҳам ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Тадбир доирасида билимдонлар баҳси, «Балли қизлар» кўриқтанови ҳам бўлиб ўтди.

Вилоятнинг Қизилтепа туманидаги «Нимкон», Хатирчи туманидаги «Пўлкан», Навбахор туманидаги «Қамалас», Нурота туманидаги «Ўмид» оромгоҳларида ҳам болажонлар таътилни мазмунли ўтказмоқда.

Эркул УМАР,
ЎЗА мухбири

ЎЗА

Зохир ТўРАКУЛОВ олган суратлар

Қарор ва ижро

БЎЛАЖАК ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚИЗГИН ПАЛЛА

Бугунги кунда юртимиз иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун замон талаблари даражасидаги юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, мамлакатимизнинг замонавий компьютер, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, кимё саноати, хизмат кўрсатиш ва сервис, фермер ҳўжалиги соҳаларида мутахассисларга нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил 2 июнда қабул қилган «2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарориде ушбу вазифалар аниқ белгиланган. Унга кўра янги ўқув йилида бакалаврлик йўналиши бўйича 51604 нафар йигит-қиз қабул қилинади. Бўлажак талабаларнинг 19945 нафари давлат грантлари, 31659 киши эса тўлов-контракт асосида ўқийди. Магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 6500 нафар этиб белгиланган.

Айни вақтда юртимиздаги барча олий таълим муассасаларида абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш жараёни қизгин паллага кирди. Икки ярим минг нафардан зиёд талаба тахсил оладиган Тошкент кимё-технология институти — мамлакатимизнинг кимё саноати учун етук кадрлар тайёрлаб берадиган таълим маскани. Бу ерда жорий йилда биотехнология, кимёвий технология, аэрофотомуҳит муҳофазаси каби ўн йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

Қабул комиссияси масъул котиби Абдусаттор Абдурахмоновнинг таъкидлашича, бу йилдан институтда экологик сервис йўналиши бўйича

ҳам мутахассислар тайёрланиши йўлга қўйилмоқда. Режага кўра бакалаврлик бўйича беш юз йигирма нафар йигит-қиз қабул қилинса-да, ҳозиргача қабул комиссиясига келиб тушган ҳужжатлар сони ушбу кўрсаткичдан анча ортиб кетган. Бу юртимиз ёшларининг иқтисодий-ишловчи учун зарур ихтисосликларни эгаллашга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Институтда абитуриентлар учун ҳар бир йўналиш бўйича махсус тарғибот-ташвиқот стендлари ташкил этилган. Муайян ихтисосликлар бўйича зарур маълумот олиш имконини бермоқда. Айни вақтда тестлар топириладиغان фанлар бўйича ҳар қуни маслаҳат сабоқлари ўтказилаётир.

— Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номидаги кимё-технология касб-ҳунар коллежини тамомлаб, биотехнология йўналиши бўйича ҳужжат топширмаган, дейди Феруза Худойбердиева.

— Мамлакатимизда кимё саноати учун мутахассислар тайёрлашга алоҳида этибор қаратилмоқда. Кимё ва биология фанларида жуда қизиқман. Келгусида билим ва кўникмаларимни янада ошириб, Ватанимиз иқтисодий ривожига ўз ҳиссамни қўиши ниятидаман.

Институтда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида мутахассислар тайёрлаш билан бирга, ўқишни тамомлаган назарни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида этибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ўтказилган «Битирувчи-2006» анжуманида юртимизнинг ўттиздан зиёд қорхона, ташкилот ва муассасаси вакиллари иштирок этди. Давлат гранти асосида таълим олган ёшлар «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компанияси, «Ўзқурилишмате-

риаллари» уюшмаси, «Ўзметасабзавотузмасаноат-холдинг» компанияси, «Ўзқоғқатсаноат» уюшмаси қорхоналарига йўлланма асосида ишга тақсимланди.

Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг Тошкентдаги филиалига иқтисодийнинг бакалаврлик йўналиши бўйича бу йил салкам юз нафар йигит-қиз ўқишга қабул қилинади.

Иқтисодий тараққиёт мамлакат ҳаётининг ривожига, аҳолининг моддий ва маънавий фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан юртимизда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган, пухта билим ва салоҳиятга эга, малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида этибор қаратилмоқда. Айни соҳада халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг бундан ўн йил муқаддам пойтахтимизда ташкил этилган филиали ана шундай ҳамкорлик самараларидандир. Ўтган вақт мобайнида бу ерда молия, солиқ, банк-кредит йўналишлари бўйича тўққуз юз нафардан зиёд мутахассис тайёрланган.

— Мазкур олий таълим даргоҳининг талабаси бўлиш — орзумим, деди Бухоро вилоятдан келган абитуриент Бобур Ҳамроқулов. — Бу ерда талабаларнинг назарни ва амалий билим олиши учун барча қулайликлар мавжуд эканлигини билиб яна қувондим. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбиясига берилаётган улкан этибор самараси, деб биламан.

Абитуриентлар учун тест-синовлари шу йилнинг 1 август қуни бўлиб ўтади.

ЎЗА

Истиқлол — менинг онгимда, шууримда

Мамлакатимизда Озодлик, Ҳурлик экинни эса бошлаганига 15 йил бўлди. 15 йиллик тарих қисқа вақт бўлса-да, жонажон Ватанимиз ҳаётида мислсиз ўзгаришлар ясади. Юртдошларимизнинг онгу тафаккур юксалди. Ҳурсат топиб биз ана шундай юртдошларимизни суҳбатга тортдик.



ЎЗИГА БЕК ЎЗБЕКМИЗ

Баҳром САТТОРОВ, тадбиркор:

— Иштилаганга толе ёр деганларидек, астойдил ҳаракат қилган инсон меҳнатидан манфаат кўрадиган, ўзини ҳам, элини ҳам бой қиладиган замон келди. Шахсан ўзим ҳам мустақиллик йилларида тадбиркорлик билан шуғулланиб ҳам бўлганим йўқ. Чўнки муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан республикамизда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар, қанчадан-қанча қулайликлар яратилмоқда. Маҳаллий ҳомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун белгиланган имтиёзлар, маҳсу-

лотни чет элга экспорт қилиш учун яратилган шарт-шароитлар, қолаверса, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш учун қилинган саъй-ҳаракатлар шундан далолат эмасми?

Мустақиллик шарофати билан бугун юртимизда тадбиркорлар сони кўндан-кўнга қўнайиб бораётти. Биз эндиликда хорижий сармоядорларни тўғридан-тўғри жалб қилиб, улар билан биргаликда иш юритишимиз мумкин. Бунга ҳеч қим тўқсунлик қилмайди. Зеро озодлик ўзлгимизни, ўзимизга беқлигимизни ўргатди.

ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ ТУЙҒУСИ

Гулноза ҚОСИМОВА, журналист:

— Мустақилликнинг энг катта ютуғи — одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши ўзгариши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар улар онги-шуурида ўз аксини топаётганидир.

Хизмат юзасидан одамлар орасида кўп бўламан, улар билан дилдан суҳбатлашаман. Самимий, дилқаш давра-ларда юртдошларимиз Истиқлол, унинг шарофати ила кўлга киритилган улкан ютуқлар тўғрисида гурурла-

ниб сўзлашади, шу кунларга етганимиз учун шўкрона-лар айтишади.

Ҳа, дарҳақиқат, бугунги фуқаролар кечаги, бундан 15 йил олдинги одамлар эмас. Улар энди ўз кадр-чилигини билишади, ҳаётга теран назар ташлаб, истиқболга, эртанги кунга ишонч билан қарашади. Шунинг учун ҳам, қомил ишонч билан айта олиш мумкин, она Ўзбекистонимиз келажаги, албатта буюк бўлади.

“СЕНГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ, ЎҒЛИМ!”

Ғофур МИРЗАЕВ, оддий аскар:

— Оиламиз даврасидаги бир гурунда падари бузрукворим шундай дегандилар: «Сенга ҳавасим келади, ўғлим! Кўп ажойиб замонда ўсиб-ўлғаясан-да...». Бу Мустақиллик, Озодликнинг қадрини яхши тушунган, кўпни курган отамнинг шўкроналик сўзлари эди.

Мустақиллик йилларида халқимиз ҳаётида оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, ҳарбий соҳада мамлакатимиз мудоффа қудратини юксалтириш мақса-дида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Ҳарбий хизматчилар учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Шу билан бирга, аскарлар ҳам бир қанча имтиёзларга

эга бўлдилар. Мен ҳам хизматдан сўнг, ҳарбий қисм томонидан бериладиган тавсиянома тест синовларидан тўлган баллига 25 фойиз миқдориде қўшимча баллини кўлга қиритишим мумкин.

Шубҳасиз, ҳукуматимиз томонидан яратилган бундай имкониятлар биз, ёшларни мустақилликни мустақамлаш йўлида янада фидойилик кўрсатишга, юрт, Ватан рағбатига, келажаги учун ҳисса қўиладиган қомил инсонлар бўлиб воёга етишга ундайди. Бу юксак ишонч-ни оқлаш, энг олий неъмат — Мустақиллик қадрига етиш керак.

Партия кўзгуси

ИЖРОҚЎМ ЙИҒИЛИШИ

М.АБДУШУКУРОВ,
«Адолат» мухбири

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишини партия Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, фракция раҳбари Дилором Тошмуҳамедова бошқарди.

Кун тартибидеги биринчи масала — Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти Кенгаши раисининг 2006 йил май-июн ойла-рида ўтказилган фуқаролар йиғин-лари раислари (оқсоқоллари) ва

уларнинг маслаҳатчилари сайлови-даги иштироки тўғрисида Сиёсий Кенгаш котиби Раҳман Хайдаров маъ-лумот берди.

Шундан сўнг, мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигини муно-сиб қўтиб олиш юзасидан Ўзбекис-тон «Адолат» СДП томонидан амал-га оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ташкилий бўли-ми мудири Илҳом Сафаров маъру-за қилди. У ўз сўзида жойларда энг-улуг, энг азиз байрагимизга ба-ғишланган турли йиғилишлар, тад-

бирлар ўтказиш, бунда партия фа-олларининг жонбозлик кўрсатиши лозимлигига алоҳида этибор қаратди.

Музокараларда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депу-татлари Собир Турсунов, Ойша Оху-нова, Худойёр Мамадов, партия фаол-ларидан Талъат Муродов, Фариде Фармонова ва бошқалар кун тарти-бидеги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилиш сўнгида партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг қаро-ри қабул қилинди.

Ушбу сонда:

ЛОҚАЙДЛИК
ОРИДАГИ АЙРИЛИК

ҲАЁТНИНГ
МУҚАДДАС МЕЗОНИ

ФУТБОЛ — ҚУВОНЧ,
ҲАЯЖОН...

бир хат изидан

мозий бисоти

спорт



Истиқлолимизнинг 15 йиллигига

ЁШ ИЖОДКОРЛАРНИ ЗОМИН ЧОРЛАЙДИ

Жиззах вилояти Зомин туманидаги "Уриклисой" оромгоҳида "Биз — Президент фарзандларимиз" мавзuida Республика ёш ижодкорларнинг анъанавий анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир катнашчилари Зоминга жўнаб кетиш олдида пойтахтимиздаги Мустиқиллик майдонини зиёрат қилиб, Мустиқиллик ва эзгулик монументи пойга гулчамбарлар қўйдилар.

— Анжуманимизнинг бу йил ана шундай хайрли ишдан қатнашганидан барчамизнинг қалбимизда фахр ва ҳақсонга тўлди, — деди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдори, ёш шоира Дилфуза Маҳкаммова. — Зеро, бу майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, бугунги авлодларга

насиб этган энг улуғ ва азиз неъмат — истиқлолимиз рамзидир.

— Биз, ёшларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир яратувчилик ва бунёдкорлик ишларида ўз ифодасини топмоқда, — деди қорақалпоғистонлик қаламкаш Амангул Турдумуродова. — Кўрсатилаётган бундай ғамхўрликларнинг қадрига етишимиз, юртимиз мустиқиллигини янада мустақамлашимиз, ёшларга бўлган юксак эътиборга ҳалол ва фидойи меҳнатимиз, ижодимиз, аъло ўқимизи билан жавоб бермоғимиз лозим.

Бундан ўн йил муқаддам ташкил этилган маъруза танлов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилаётди.

Ёшлар — Ватанимиз келажаги. Уларнинг ҳар томонлама камол топиши, мукаммал билим ва тарбия олиши давлатимиз раҳбари қўриқиб бораётгани танловнинг нуфузи йил сайин ошиб бораётганидан далolat.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари М. Мирзо-нинг таъкидлашича, ўзининг марта ташкил этилган бу йилги анжуманда иштирок этиш шарт, нотиришлар, нотиришлар, драматурглар, адабиётшунос-мунаққидлар, мутаржимлар иштирок этмоқда. Уларнинг ижодий ишлари учун кўн мобайнида кўзга қўйилган эътибор ва шонли раҳбар ва етакчи газета-журналларнинг бош муҳаррирлари томонидан атирофида таҳлил этилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

савор бўлди. Ўнлаб ёшлар Олий адабиёт курсида таҳсил олмоқда. Зомин анжуманида қатнашувчи ёшлар сафининг тобора кенгайиб бораётгани танловнинг нуфузи йил сайин ошиб бораётганидан далolat.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари М. Мирзо-нинг таъкидлашича, ўзининг марта ташкил этилган бу йилги анжуманда иштирок этиш шарт, нотиришлар, нотиришлар, драматурглар, адабиётшунос-мунаққидлар, мутаржимлар иштирок этмоқда. Уларнинг ижодий ишлари учун кўн мобайнида кўзга қўйилган эътибор ва шонли раҳбар ва етакчи газета-журналларнинг бош муҳаррирлари томонидан атирофида таҳлил этилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ВАТАННИ АНГЛАШ
МАСЪУЛИЯТИ

Сардор ФАЙЗУЛЛАЕВ,
талаба

Ватан туйғуси инсон қалбида ўзгича англаш жараёнида шаклланади. Ўзгича англашда эса тарихий асарлар, тарихга оид қўзғалмали воситалар, ҳужжатли ва бадиий фильмлар муҳим омил бўлади. Шу маънода, таълим-тарбия соҳасида фаолият олиб бораётган педагогларлар малакасини изчил ошириб бориш долзарб вазифалар сирасидандир. Зеро, мамлакат тараққиётида фаол иштирок этиш иштиқиди ёнадиған ёшларни аниқ максадлар сари йўналиштириш, уларга тўғри йўл кўрсата билиш ҳам тарбиянинг муҳим жабҳаси саналади. Бунда малакали тарихчи-педагогларнинг хизмати алоҳида аҳамиятга эга.

Мозийга назар ташлар эканмиз, юртимиз тарихи зарварларида халқимиз шухратини оламга ёлган баҳодирлар, босқинчиларга қарши мислсиз курашларда жон фидо этган юртпарвар аждодларимизнинг жасоратга тўла қаҳрамонликлари ғувоҳ бўлмайди. Ана шу ибратли ҳодисаларни ёшлар онгига етказиш — уларни тарих воситасида тарбиялаш бугунги кунда давр талабига айланган оғоҳлик, ҳушёрлик ҳиссини уйғотишнинг энг самарали воситасидир. Зеро, ўтмишдан оғоҳ, атрофидан бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор инсонгина ҳар қандай вазиятда тўғри йўл танлай олади, оқилона қарорлар қабул қила билади.

Ўзгича англаш тарихини билишдан бошланади, дейдилар. Миллий қадриятларини қадрлаган, халқона урф-одатларга юксак ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлган ёш авлод ватанпарварлигини нафақат азиз туйғу, балки шарафли бурч сифатида англайди. Айни фазилат эса, юрт истиқболни ишончи, эътиқоди инсонлар қўлида бўлишини кафолатлайди.

Фаолларимиз

САРКОТИБНИНГ ФАЗИЛАТИ

воқеалардан олдинроқ юриш ва одамларни тинглай билишда, — дейди "Адолат" СДП Каттакўргон шаҳар Кенгашининг биринчи котиби Шаҳло Қўчқорова

Зоҳир Тўрақулов,
"Адолат" мухбири

Одамларга маъқул келадиган, уларда ишонч, эътиқод уйғота оладиган сўз айтиш осон эмас. Лекин ана шу сўзларни амалий ишлар билан боғлаш, ваъдани оқлаш тагинда мураккабдир. Бунинг урдадидан чиқиб кетган маҳалла, юрт олдида доимий масъулиятни ҳис этиб туриш керак.

Ўз сафидан минг нафардан зиёд партия аъзосини бирлаштирган шаҳар Кенгашининг саркотиби Шаҳло Қўчқоровада шундай фазилат муҳассас. Атрофдагиларнинг муаммоларига сезгир, ҳозиржавоб, мақсадга эришиш учун тиниб-тинчимайдиган бу оқила раҳбар оз вақтда кўп ишларга улгурди. Шу боис бўлса керак, бугун Каттакўргонда "Адолат" социал-демократик партиясини, унинг фаолларини билмайдиган, танимайдиган киши йўқ. Зотан, партия Кенгаши ўз дастурий гоялари билан ҳар бир маҳаллага, ҳар битта меҳнат жамоасига кириб бора олган, одамларни ташвишлантирган муаммолар ечимини топа олган. Шаҳардаги Навбахор, Амир Темур, Хайдар чаман, Чордар, Арабхона, Ғарибмаскид маҳаллалари фуқаролари билан ўзаро муносабатлар ҳусусида шундай дейиш мумкин. 50 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари бу ҳангилларда талайгина ибратли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, ёшларни касб-хўнарга йўнали-

риш, жамиятда ўз ўринларини топишга кўмаклашиш, оила — мактаб ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, гиёҳвандликнинг олдини олиш сингари долзарб масалалар бу ҳамкорликнинг марказида бўлиб келмоқда. Яқинда шаҳардаги Мирий маҳалласида ёшлар билан бўлиб ўтган учрашув ана шундай муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Шаҳло Қўчқорова партия етакчиси ижтимоий-сиёсий жараёнларга кўр-кўрона эргашувчи эмас, соғлом фикр ва тафаккур билан ижодкорона ёндашувчи бўлиши зарур, деб ҳисоблайди. Зотан, сиёсий рақобат шароитида партиянинг мавқеи ислохотлар моҳиятини англаш, шу жараёнга фаол таъсир кўрсатишда сезилади. Кейинги йилларда Каттакўргон шаҳрида иқтисодий ўзгаришлар кўчайиб, корхоналар бозор талабига мос маҳсулот ишлаб чи-

қараётгани, юзлаб янги иш ўринлари яратилгани, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимларидаги камчиликлар бартараф этилаётгани, қурилиш-ободончилик қўлима кенгаётгани ислохотларга нисбатан дахлдорлик билан қараш натижасидир. Бу ҳаракатларда "Адолат" СДП шаҳар Кенгашининг алоҳида ўрни, иштироки борлиги бизни қувонтиради.

Одамлар орасидаги бедор лаҳзалар эса партия ташкилотининг, унинг саркотибининг халққа янада яқинлаштиришда, янги ижодий режалар билан ишлашга ундамоқда.

риш, жамиятда ўз ўринларини топишга кўмаклашиш, оила — мактаб ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, гиёҳвандликнинг олдини олиш сингари долзарб масалалар бу ҳамкорликнинг марказида бўлиб келмоқда. Яқинда шаҳардаги Мирий маҳалласида ёшлар билан бўлиб ўтган учрашув ана шундай муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Шаҳло Қўчқорова партия етакчиси ижтимоий-сиёсий жараёнларга кўр-кўрона эргашувчи эмас, соғлом фикр ва тафаккур билан ижодкорона ёндашувчи бўлиши зарур, деб ҳисоблайди. Зотан, сиёсий рақобат шароитида партиянинг мавқеи ислохотлар моҳиятини англаш, шу жараёнга фаол таъсир кўрсатишда сезилади. Кейинги йилларда Каттакўргон шаҳрида иқтисодий ўзгаришлар кўчайиб, корхоналар бозор талабига мос маҳсулот ишлаб чи-

қараётгани, юзлаб янги иш ўринлари яратилгани, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимларидаги камчиликлар бартараф этилаётгани, қурилиш-ободончилик қўлима кенгаётгани ислохотларга нисбатан дахлдорлик билан қараш натижасидир. Бу ҳаракатларда "Адолат" СДП шаҳар Кенгашининг алоҳида ўрни, иштироки борлиги бизни қувонтиради.

Одамлар орасидаги бедор лаҳзалар эса партия ташкилотининг, унинг саркотибининг халққа янада яқинлаштиришда, янги ижодий режалар билан ишлашга ундамоқда.

Бир хат узидан



Мустиқиллик иншоотлари

ТЎЙГА МУНОСИБ ТУҲФА

Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ,
"Туркестон-пресс"

Хоразм вилоятининг Хонқа туманида жойлашган пахта тозалаш заводи анчагина эски бўлиб, бугунги замон талабларига жавоб бермас эди. Шу боис бу ерда янги корхона қуриш ташаббуси илгари сурилди.

Ҳа, юртимиз довуғини жаҳонга танитган, унинг экспорт салоҳиятини оширган, бу — қалби пахтадай беғубор, қадок қўли бободехон маҳсулоти — оппоқ, момик тоналардир. Уни талаб даражасида қайта ишлаб, хорижлик истеъмолчиларга етказиш бугуннинг бош вазифаси. Шу сабаб айти кўнларда туманда янги пахта тозалаш заводи қурилиши тезкорлик билан олиб боришмоқда.

Пахта ҳам ашёсини қайта ишлашга мўлжалланган янги корхона темир йўлга яқин жойда қад ростламоқда. Унинг ҳудуди 16 гектарни ташкил этади.

Хозирда ушбу иншоотда бунёдкорлик ишлари қўзғин паллага кирган. Қўли гул қурувчи-ю монтажчилар, электрик ва соловчилар, пайвандчилар қурилиш мамлакатимиз мустиқиллигининг 15 йиллик шодиёнаси арасидада топширишни мўлжаллашган. Завод қосидада тайёрлов пунктининг ҳосилин бўловчи майдончалари, лаборатория хоналари, тош-тарозу ҳамда ёнган хавфсизлигини таъминлаш бўлимларида иш

ниҳоясига етди. Электр ҳўжалиги, иккита преслаш цехи, чангларни тозаловчи камералардаги ускуналарни сошлаш ишлари эса жадаллик билан олиб боришмоқда.

Иншоотда 300 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилаётди. Айниқса, "Хоразмпахтасаноат" бирлашмасига қарашли Урганч қурилиш-монтаж бошқармасининг Икром Рузиматов бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари катта ҳажмда ишларни бажаришяпти.

"Урганч пахта тозалаш" очик ҳиссадорлик жамиятида меҳаник Қўрғамбой Қўчқоров бошлиқ монтажлар бригадаси аъзолари эса хонқалик ҳаммасларига ҳашарга келишган.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ишга туширилиши мўлжалланган янги пахта тозалаш заводи бир йилда 35 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга. Уни турдош корхоналардан фарқи шундаки, ҳосилини тозалаш, қуришти, маҳсулот ишлаб чиқариш каби технологик жараёнлар бир бинонинг ўзида амалга оширилади. Эски заводдан бу ерга линтер ва жин агрегатлари, қуришти барабанлари, преслаш ва бошқа цехлардан ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Кўпгина эҳтиёт қисмлар, айрим зарур деталлар, юк ортувчи ва туширувчи ускуналар, пахта қайта ишловчи турли механизмлар вилоятнинг турдош корхоналаридан келтирилади.

"Аёл ва ҳуқуқ" танловига

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛ БЎЛСА

оилада ҳам, жамиятда ҳам фаровон турмуш тарзи шаклланади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Ботирова Зухра Баратовна

— Зухра опа, сизнинг меҳнат фаолиятингиз бевосита аёллар муаммоси билан боғлиқ. Шу боис келинг сўхбатимизни аёлнинг ҳуқуқий демократик жамиятда тутган ўрнидан бошлашак.

— Қонун устувор бўлган ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнида, аёл — энг аввало, жамият учун муносиб, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказмоғи лозим. Шу билан бирга, жамият томонидан аёл учун яратилган ва яратилаётган барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда, ўзигада салоҳиятини ҳам жамият учун намоён эта билиши керак. Айни шу вазифалар аёлнинг ҳуқуқий демократик жамиятдаги ўрнини белгилаб беради.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёни кечаётган бир пайтда хотин-қизлар фақат оила, рўзгор ташвишларини руҳан қилиб, олиб борилаётган ислохотлардан, атрофиданги воқеа-ҳодисалардан беҳабар қолсалар, бу, албатта, уларнинг келажагини миз пойдевори бўлиши ёш авлодни тарбиялаб, вояга етказишдек муҳим вазифасига салбий таъсирини ўтказмай қўймайди. Шунинг учун жамият тараққиёти йўлидаги масъулиятли со-

ҳаларга ҳеч иккиланмасдан хотин-қизлар фаол ва кенг жалб этиш керак, деган фикрдаман. Айниқса, муҳим аҳамиятга молик бўлган ташкилот ва муассасаларга, айниқса, ёшлар билан бевосита иш олиб бориш имконини берадиган ўрта-маҳсус, олий таълим тизими ўқув юртларига раҳбарлик лавозимларига кўтариш лозим. Ҳукумат томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи ва нуфузини оширишга қаратилган барча ҳужжатларнинг амалда тўлиқ ижросини таъминлаш жоиз.

— Баъзан, аёлларимиз ҳаётида ноҳуш ҳодисалар, жумладан оила бўзилишлари, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари камситилиши ҳолатлари учраб туради. Бу улардаги ҳуқуқий савиянинг етишмаслиги, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олмагликлари натижаси деб баҳоланмоқда. Сизнинг бу ҳақдаги фикрингиз?

— Статистик маълумотларсиз ҳам оила ажирларини ҳаётини таҳлил қилиб айтиш мумкинки, никоҳ бўзилиши аксарият ҳолларда илмга, муайян бир касбга эга бўлмаган, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топа олмаган, ҳуқуқий жиҳатдан маълумоти етишмаган ёш оилаларда рўй бермоқда. Табиийки, бундан қўпроқ аёллар жабр чекиб қолмоқда. Никоҳ бўзилиши ҳоллари рўй бермасда, уларнинг оиладаги турмуш ўртоқлари ёки бошқа оила аъзолари томонидан камситилиши ҳоллари учраб турибди.

Шу боисдан, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Оила кодексининг 15-моддасида қизлар учун никоҳ ёши 17 ёш деб белгиланган бўлсада, бу ёшда қизларимизнинг турмуш қуришини ҳали эрта деб уйламан. 17-18 ёшли қиз ҳали оила талабларига тўлиқ жавоб бера оладими? Ҳам маънан, ҳам жисмонан соғломми? Бирор касб маҳорати, фарзанд тарбиялаш, оила аъзолари билан муносабатда бўлиш ва иқтисодий (моддий) жиҳатдан ўзини ўзи таъминлаш учун кўникма, билим, савия етарлими? Аёл мана шу саволларга никоҳдан аввал аниқ жавоб топа билиши зарур. Чунки аёлнинг ҳуқуқий саводсизлиги, маънавий етук эмаслиги, иқтисодий жиҳатдан номустақиллиги ҳар томонлама ўз эрига (ёки оиланинг бошқа аъзоларига) қарам бўлишига сабаб бўлади.

Мен бу борада қизларга қарата шундай деган бўлар эдим: турмушга чиқишга шошилман! Оила қуришдан олдин мустақил касб эгаси бўлишга, билим олишга эришяч. Ана шунда Сизнинг оиладаги мавқеингиз баланд бўлади, турмуш ўртоқингиз ва бошқа оила аъзоларининг ҳурматини қозонасиз. Энг муҳими, ҳаётдан ортда қолмайсиз!

— Хотин-қизларимиз асосан, қандай жабҳаларда ютуқларга эришяпти, қай соҳаларда янада фаол бўлишмоқликлар лозим.

— Бугунги Ўзбекистон хотин-қизлари таълим, маориф, соғлиқни сақлаш ва маданият каби йўналишларда, кичик ва хусусий бизнес соҳасида бир мунча ютуқларга эришмоқдалар. Аммо, мамлакатимизда иқтидорли хотин-қизлар кўп бўлса-да, илмфан, техника тараққиётида, сиёсатшунослик ва иқтисодиёт соҳасида аёлларнинг ролини етарли деб айтиб бўлмайди.

Менимча, юқори салоҳиятли, касбий маҳоратга эга бўлган, ҳаётини тушунадиган, турмушдаги барча иқир-чикирлардан хабардор, хотин-қизларни масъулиятли раҳбарлик лавозимларига кўтариш аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада оширишга ҳизмат қилади. Хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш — энг долзарб масалалардан бири. Жамиятда ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни етиштириб берадиган хотин-қиз ижтимоий-сиёсий жиҳатдан саводхон, атрофдаги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш шарт.

Хозирги кунда юртимизнинг энг чека қишлоқларида истиқомат қилаётган аёлларимиз ҳам давлатимиз томонидан хотин-қизлар учун яратилаётган барча имконият ва шарт-шароитдан баҳраманд бўлиб яшамокдалар. Айниқса, сўнгги вақтлар-



да қишлоқ аёлининг, узоқ, чека жойларда яшаётган оналарнинг ўз оиласидан, рўзгори ва фарзандлари тарбиясидан қатъий қасд қилишган (ажрамагани) ҳолда меҳнат қилиши ва ўз оиласининг моддий даромадини оширишга кўмаклашиши учун жуда катта ижтимоий ҳимоя қоралари қўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қасаначилигини ривожлантиришга, фермер ҳўжалиқларини ташкил этишга, мева-сабзавотчилик ва уюмчиликни тараққиёт этиришга, ёки бўлмаса, чорвачиликни ривожлантиришга ва шу орқали қишлоқ аёлининг ҳам иш билан бандлигини таъминлашга бағишланган Фармон ва қарорлари хотин-қизларнинг спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун замонавий спорт комплексларининг ташкил этилаётганини, қишлоқ оналари фарзандлари учун энг замонавий андозаларда қуриб ишга туширилган турли йўналишлардаги касб-хўна қоллежларининг, замонавий қишлоқ врачлик пунктларининг барпо этилганлиги шулар жумласидандир.

Шу билан бирга айрим жойларда қишлоқ аёлининг турмушини янада яхшилайдиган, унинг кўндалик ҳаётидаги меҳнатини енгиллаштирадиган, қишлоқ инфратузилмаси, маиший хизмат кўрсатиш тизими ночор аҳволда. Қир қовиш пунктлари, новвойхоналар, ҳаммомлар, гузаллик салонлари, кимёвий тозалаш пунктлари қишлоқ жойларидеяри учраймайдилар. Бундан ташқари, қишлоқ хондодонларда хотин-қизлар гигиенаси учун алоҳида қурилиб жиҳозланган, иситилган жойлар ҳам етишмайдилар.

Ваҳоланки, туғиш ёйидаги аёлларнинг аксарияти экстрагенитал касалликлари уларнинг хондодонларида элементар шароитнинг, тегишли инфратузилманинг мавжуд эмаслигидан ҳам келиб чиқаётганлиги ва бу уларнинг туғилган фарзандлари саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганлиги сир эмас.

Сўхбатдош
М.ЙЎЛДОШЕВА

ЛОҚАЙДЛИК ОРТИДАГИ АЙРИЛИК

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
"Адолат" мухбири

Тахририятимизга Сирдарё вилояти Мирзобод туманида яшовчи Хайрулла Жанзаков номидан ўқинч ва изтироабан ила билилган шикоят хати келди. Унда вилоят ва туман туғруқхоналаридаги шифокорларнинг лоқайдлиги ва ўз вазифасига виждонсизларча муносабатда бўлганлиги оқибатида ҳомилдор хотини Феруза Жанзакова ҳомиласи билан ҳаётдан кўз юмганлиги тўғрисида ёзилган. Шикоят муаллифи вилоят туғруқхона комплекси навбатчи врач, соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ишлари бўйича ўринбосари Роза Бегимкулованинг туман туғруқхонасига боришларинг керак, биз сизларни қабул қила олмаймиз, деб жавоб берганини учун шундай аянчли воқеа содир бўлди, деб ҳисоблайди. Шикоят ёзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят ва туман туғруқхоналарида бўлди, воқеа тафсилотлари билан танишдик.

Маълум бўлишича, оддий деҳқон Хайрулла Жанзаков хотинининг тоби қоча бошлагандан сўнг йўловчи машинада шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалига олиб келади. Бу ерда Феруза Жанзаковани врачлар қўриқдан ўпка-да, "Ҳомилдорлик II, 28-29 ҳафта. Ҳомилла чала туғиш хавфи" таъхиси билан вилоят туғруқхонасига жўнатилади. Қирчилма қиш тоғи соат 6.50 ларда тўлғоқ азобида қийналаётган Феруза ва унинг турмуш ўртоғи навбатчи врач Роза Бегимку-

ловадан туман туғруқхонасига, аниқроғи, Гулистон шаҳар акушерлик комплексига боришлар, деган жавобни олишади. Шундан сўнг улар кўчага чиқиб қамийда бир соат такси қутиб туришади.

— Бу дахшатли кунни ҳеч ҳам ёдидан чиқара олмайман, — дейди Хайрулла Жанзаков, кўзига ёш олиб. — Жондан ўтар совуқ, оғриққа чидай олмаётган марҳум хотиним Ферузанинг қийналишлари, тезроқ такси топинг, ўлиб қоламан деб ёлворишлари қўрқинчли туш каби хали-ҳануз қўлогим остида жарағлайди. Унинг бу гапларига чидай олмаётган эҳтимолда чопонимни ерга тўшаб бекатга ётқизиб қўйдим. Шунда, шу алфозда бир амаллаб туғруқхонага етиб бордик. Бирок, бу ерда ҳам врачлар бир талай дори-дармон, қон олиш учун донорлар топиб келишимни айтишди. Жон ҳолатда уйга югурдим, 3 нафар донорни ҳам топиб келдим. Афсус, кеч бўлган экан, врачлар хотинимнинг ҳомиласини операция қилиб, қон кетишини тўхтата олишмаган, у вафот этган экан. Бу қўрқинчли кўтара олмаган онам ҳам вафот этди.

Гулистон шаҳар акушерлик комплекси бош врач ўринбосари Саид Маситов ёзган тушунтириш хатига Х.Жанзаковнинг юқоридаги фикрларини бирмунча тасдиқлайди: «Марҳума Феруза Жанзакова шу йил 14 январь куни соат 8.30 ларда оғир аҳволда туғруқхонага келтирилган. Бемор танидан совуқ ўтганлиги, ҳомиланинг эрта қўчиш хавфи борлиги туфайли ҳомилдорлар касалликлари бўлимига ётқизилган. Унинг

аҳволи оғирлашгани сабаб ҳомиласи операция йўли билан олиниб, ўлик чала бола олинган. Бирок, бемор кўп қон йўқотганлиги, қон гуруҳига тўғри келмагани қон йўқлиги сабабли қон қўйиш ўз вақтида амалга оширилмади. Беморнинг турмуш ўртоғи Х.Жанзаковга қариндош-уруғлари ва шу гуруҳдаги донорлар кераклигини айтганмиз. Унга навбатчи врачлар томонидан шифохонада шу кун бўлмаган дори-дармонларни олиб келиш буюрилган.

Жорий йилнинг 23 февралда Сирдарё вилоят оналар ўлимига қарши кураш қўмитасининг кенгайтирилган йилги маълумотларига кўра, афроғича муҳомада этилган. Унда Мирзобод туманидаги «Пахтабод» ҚВП томонидан ёш оилага нисбатан етарлича соғломлаштириш ишлари олиб борилмаганлиги, Феруза Жанзакова ҳомилдорлиги кеч ҳисобга олиниб, шифокор акушер-гинеколог томонидан бирор марта ҳам қўриқдан ўтказилмаганлиги, Республика шикоятли тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали ва вилоят шифохонаси акушерлик комплексида бемор тўлиқ лаборатория-диагностик таҳлилларидан ўтказилмаганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Қўриқиб турибдики, тумандаги қишлоқ врачлик пунктларида аёллар саломатлигини асраш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Дарвоқе, Роза Бегимкулова ва бошқа врачларнинг айтишича, уша кунни вилоят туғруқхонасига жой бўлмаган, шу сабабли Феруза Жан



Ислохот ва ҳуқуқ

КОРХОНА БАНКРОТ БЎЛСА...

ёхуд хўжалик судлари томонидан иқтисодий ночорлик қоидаларини қўлланилиши тартиби ҳусусида

Ҳамиджон ЖАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар Хўжалик суди
раисининг ўринбосари,
Оқилхўжа КАБИРОВ,
Чилонзор ДСИ корхоналар
боқимандасини ундириш
шўба бошлиғи

Мамлакатимизда амалдаги "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида банкротлик масаласига доир асосий тушунчалар алоҳида келган кундан эътиборан уч ой давомида баҳарлашга қодир эмаслиги банкротлик (иқтисодий ночорлик) аломати деб ҳисобланади. Шунингдек, юридик шахслар банкрот бўлиши учун кредиторлик қарзи энг кам ойлик иш ҳақининг 500 барабаридан, жисмоний шахслар учун эса кредиторлик қарзи энг кам ойлик иш ҳақининг 30 барабаридан кам бўлмаслиги шарт қилиб қўйилган.

Якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига унинг ўзи, кредиторлар, прокурор, шунингдек давлат солиқ хизмати ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилиши мумкин. Қарздор — якка тартибдаги тадбиркор ўз аризасига қарзларни ўзиш режасини илова қилиш ҳуқуқига эга. Бунда режани амалга ошириш муддати, қарздор ва унинг оила аъзолари истеъмоли учун ҳар ойда қолдирилган маблағ, кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун ҳар ойда юбориш мўлжалланаётган сума миқдори кўрсатилиши шарт. Агар кредиторларнинг эътироз бўлмаса, хўжалик суди қарзларни ўзиш режасини тасдиқлайди. Бу эса банкротлик тўғрисидаги иш юритилишини узати билан икки ойгача мuddатга тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Хўжалик суди якка тартибдаги тадбиркорни қарздор, банкрот деб

топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш билан бир пайтда унинг мол-мулкни хатлайди (қонун ҳужжатларига мувофиқ қарзни ундирув қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно). Тадбиркорнинг пул мажбуриятлари бажарилиши ҳусусида қарздор — якка тартибдаги тадбиркор кредиторларнинг барча талаблари тулик қаноатлантирилгандан ва ҳисоб-китоблар тугагандан кейин Хўжалик суди тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқаради. Агар қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг барча кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун мол-мулк етарли бўлмаса, у ҳолда суд ижросида "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон республикаси Қонунининг 37 ва 39-моддаларида белгиланган қоидаларга биноан ундирувчи қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро варақаси суд ижросига юборилади. Қарздор тадбиркорнинг қўямас ёки қимматли кўчар мол-мулкларини доимий бошқарув зарур бўлганда суд томонидан тугатиш бошқарувчиси тайинланади. Бундай ҳолларда ундирув қаратилган мол-мулк тугатиш бошқарувчиси томонидан сотилади. Сотувдан тушган қарздорнинг талабларини қаноатлантиришдан олдин банкротлик тўғрисидаги ишни қўриш ва хўжалик суди қарорини бажариш билан боғлиқ харажатлар қўланади. Қарздор тадбиркор томонидан мол-мулкнинг яширилгани ёки мол-мулкни ўзининг шахсларга гайриқонуний тарзда берганлиги аниқланган тақдирда, банкротлик жараёнида талаблари қондирмаган кредиторлар ундирувчи ана шунга қаратиш талабини тақдим этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақидаги 142-сонли Қарориди қарздор — якка тартибдаги тадбиркор кредиторларнинг барча талаблари тулик қаноатлантирилгандан ва ҳисоб-китоблар тугагандан кейин Хўжалик суди тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқаради. Агар қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг барча кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун мол-мулк етарли бўлмаса, у ҳолда суд ижросида "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон республикаси Қонунининг 37 ва 39-моддаларида белгиланган қоидаларга биноан ундирувчи қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги ижро варақаси суд ижросига юборилади. Қарздор тадбиркорнинг қўямас ёки қимматли кўчар мол-мулкларини доимий бошқарув зарур бўлганда суд томонидан тугатиш бошқарувчиси тайинланади. Бундай ҳолларда ундирув қаратилган мол-мулк тугатиш бошқарувчиси томонидан сотилади. Сотувдан тушган қарздорнинг талабларини қаноатлантиришдан олдин банкротлик тўғрисидаги ишни қўриш ва хўжалик суди қарорини бажариш билан боғлиқ харажатлар қўланади. Қарздор тадбиркор томонидан мол-мулкнинг яширилгани ёки мол-мулкни ўзининг шахсларга гайриқонуний тарзда берганлиги аниқланган тақдирда, банкротлик жараёнида талаблари қондирмаган кредиторлар ундирувчи ана шунга қаратиш талабини тақдим этишга ҳақли.

Утган ярим йилликда Тошкент шаҳар Хўжалик судига 357 корхона банкрот деб эътироз этиш бўйича ариза тушган бўлса, шундан 327таси қўриб чиқилиб, 183таси давлат реестридан чиқарилган.

Шаҳар хўжалик суди туманлар билан ҳамкорликда талайгина ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судига корхона иқтисодий ночорлиги бўйича жами 88 та 4533,9 млн сўмлик даъво аризалари киритилган бўлиб, шундан бугунги кунга келиб 43 та 3401,2 млн сўмлик корхоналар хўжалик суди томонидан банкрот деб эътироз этилган.

шигира" ўтирганларида жанжал чиқди. Муштира эрк берган Н.Саидхўмат маҳалладоши ва тенгқури Р.Шамилни дўппослай кетди.

Тан жароҳати оғир бўлса-да Р.Шамил, истиҳола туфайлими, шифохонага бормади. Натижада у ўз уйида икки аъзолардан қон кетиши оқибатида вафот этди.

ЗАҲРИҚОТИЛ

Аср вабоси бўлмиш гиёвандликнинг пайини қирқиб борасида мунтазам равишда рейдлар ўтказиб борилади. Олмалик шаҳар ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган «Қоратори-2006» тадбири давомида шаҳарнинг Китве кўчасида яшовчи, 1987 йилда туғилган А.Александр гунонлашиб текширилганида енида кўкиртми, ўткир хидли ўсимлик борлиги аён бўлди.

У экспертизадан ўтказилганида марихуана гиёвандлик моддаси бўлиб, оғирлиги 2 килограмму 450 грамм эканлиги ошкор бўлди. А.Александрнинг бу хатти-харажатларига терговда аниқлиқ киритилади.

Мозий бисоти

Нодирхон ҲАСАН,
филология фанлари номзоди

"Пир Туркистон", "Султон ул-орифин" номлари билан донг таратган Хожа Аҳмад Яссавийнинг фикр-қарашлари маънавиятимиз ва адабиётимиз тарихида алоҳида мактавга эга. Шу боис Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва тариқати неча асрлардан буюн туркий халқларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келади. Бадий адабиётнинг долзарб мавзулари — инсонпарварлик, адолат, ижтимоий тенглик, тинчликсеварлик, ватанпарварлик ва бунёдкорлик Аҳмад Яссавий ҳикматларида бадий талқин қилинган.

Аҳмад Яссавий панд-насиҳат оҳангидидаги шеърлари орқали одамларни нафс тарбияси, қалб тасфияси (поклиги) ва ахлоқий қоидаларга даъват қилади. Айни пайтда унинг шеърларида чин инсоний фазилатлар: одоб-ахлоқ, меҳру саховат, раҳм-шафқат, адолат ва маърифатга алоҳида аҳамият берилган. Мисолларга мурожаат этайлик:

*Сўзни айтим ҳар ким бўлса дийдор талаб,
Жонни жонга пайванд қилдим рағзи улаб.
Ғариб, фақир, етимларни бошин силаб,
Кўнгли қаттиқ ҳаловатдан қочтим манов.*

Адиб ўз ҳикматларида «дийдор талаб», яъни ҳақиқат талабгорларига қарата хитоб этади. Агар кимда-ким унинг ҳикматларини жон қўлиги билан тингласа, уларнинг жонига ўз жонини «пайванд қилиш»ни, томирларини уларнинг томирларига «улаш»ни, яъни чин инсонийлик, меҳру муҳаббат билан муомала қўриш шартини билдирди. Шундан кейин улуг шайх ўқувчини «ғариб, фақир, етим, бева-бечораларнинг бошини силаб»га чақиради, раҳм-шафқатсиз кўнгли қаттиқ кимсалардан эса йироқлашиш лозимлигини ўқтиради. Қаерда дили

яра, кўнгли мунгли, маънавий-руҳий изтироб чекаётган кишиларни кўрсанг, уларга таскин-тасалли бер, йўлда қолганга йўл кўрсат ва мазлумларга ҳамдам бўл, ана шунда махшар кўни, яъни охиратда Ҳақ таолонинг дийдорига эришсан, унинг розилигини топасан, дея насиҳат қилади улуг мураббий бобомиз.

*Оқил эрсанг ғарибларни кўнглин овла,
Мустафодек элни кезиб етим қовла,
Дунёпараст ноҳинслардин буюн товла,
Буюн товлаб, дарё бўлиб тоштим манов.*

Яссавий ҳазратлари: агар ўзининг ақли деб билсанг, ён-атрофиндаги ғарибларнинг маҳзун дилини шод қил, пайғамбар Мухаммад алайҳиссалом каби юрган йўлинда етимларни изла ва уларга ёрдам қилини чўз, дейди. Уларга ғамхўрлик қилмайдиган дунёпараст ноҳинс кимсалардан эса қоч-гил. Чунки ундай кимсалардан узоқлашган оқил ва доно кишигина маъно дарёсида сузиб шавққа эришмоғи мумкин.

Аҳмад Яссавий «ғариб», «фақир», «етим» сўзини тилга олганда ҳазрати пайғамбарнинг номларини ҳам тез-тез хотирлайди. Чунки ул зот етимпарварлик, раҳмдиллик, фақир-фукораларга шафқат кўрсатишда ҳаммага ибрат ва намуна бўлганлар. Шу маънода мана бу туртлик алоҳида эътиборга моликдир.

*Ғариб, фақир, етимларни ҳар ким сўра,
Рози бўлур ул бандидин парвардиор.
Эй беҳабар, сан бир сабаб, ўзи асирор,
Ҳақ Мустафо пандин эшитиб айди манов.*

Маълумки, муқаддас Ислам динида нафрат инсониятга, балки барча турдаги ҳайвонот ва набототга ҳам зиён-заҳмат етказиш қатъиян тақиқланган. Аҳмад Яссавийдек уламо зот ана шу ҳақиқатни билган ҳолда пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатлари бўйича ҳатто кофир бўлса ҳам бирор инсонга озор бермаслик, азият етказмаслик лозим, чунки "қўнгли қаттиқ дилозор"дан Худойи таолонинг ўзи ҳам безор, дея ўқтиради:

*Суннат эрмиш, кофир бўлса берма озор,
Кўнгли қаттиқ дилозордин Худо безор.
Аллоҳ ҳаққи андоғ қўлга «сижжин» тайёр,
Донлардин эшитиб сўзни айди манов.*

Аҳмад Яссавийнинг фикрича, ҳаётда энг улуг ва муқаддас нарса — адолатдир. Шу боис у «Умаридил» лақаби билан тарихда ном қозongan машҳур саҳоба ҳазрати Умарни "Ноҳақ ишни этмагон адолатлик Умардур", "Ҳақиқатни ҳуб билгон, адолатлик Умардур", дея мадҳ этади. Бу зотнинг адолат учун курашда ҳатто ўз фарзандини ҳам аямаганлигини ибрат қилиб кўрсатади:

*Уелин чорлаб келтургон, дарра уруб ўтургон,
Одил бўлуб йўл сўргон, адолатлик Умардир.*

Шарқ тасаввуф шеърини тарихида муҳим урин тутган Аҳмад Яссавийнинг фикр-қарашлари, унинг ижодкорининг ахлоқий-тарбиявий, ифроний-адабий ҳикматлари замирида ётган маънолар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, вақт ўтган сайин султон ул-орифин сузларига бўлган қизиқиш ва рағбат ортмоқда.

Шу жиҳатдан, Урта Осиё халқларининг маданияти, маънавий, адабий ҳаётида қуқур из қолдирган мутасаввиф олим ва сўфий шоир, "Туркистон мулкининг шайхул машоийхи" (Алишер Навоий) Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ижоди, тариқати, адабий мактаби ва издошлари ижодини ўрганиш алоҳида эътиборга моликдир. Зеро, Аҳмад Яссавий ўзининг ижодий ва амалий фаолияти билан донолик ва адолат тимсолига айланиб, бизларни ижтимоий ҳаётда одил бўлишга, ноҳақликларга чек қўйишга даъват этмоқда.

Хориж хабарлари

БОШ КОТИБЛИККА ЯНА БИР НОМЗОД

Норбой ТОШНІЕЗОВ

Жорий йил БМТ бош котиби Кофи Аннанинг ваколат муддати якунланади. Шу боис, дуненинг қўлпана давлатларидан бош котибликка номзодлар тавсия этилмоқда. Ҳозиргача расман уч номзод илгари сўрилган. ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабарига кўра, кўни кеча Хиндистон ҳукумати ўз ватандоши бўлган ва ани пайтда амалдаги бош котибининг жамоатчилик ахбороти ва коммуникация масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Шаши Тарур номзодини ҳам тақдим этган.

БМТга йўлланган мактубда Хиндистон расмийлари навбатдаги бош котиб Осиё қўтаси вақили бўлишини истаётганларини баён қилишган. Расмий Дехлининг фикрича, янги бош котиб ташкилот томонидан амалга ошириладиган ислохотларга қатъиян билан ёндошувчи, тараққий этиб келаётган мамлакатларга бефарқ бўлмаган, юқори маънага эга шахс бўлиши керак.

Айтиш уриники, 50 ёшли Ш.Тарур Лондон шаҳрида таваллуд топган. У Хиндистон ва АҚШ олий ўқув юртиларида фалсафа ва юридик мутахассислиги бўйича тахсил олган. Ш.Тарур катор китоблар, матбуотда чоп этилган долзарб мақолалар ва шарҳлар муаллифи саналиб, БМТдаги фаолиятининг 1978 йилда ташкилотнинг Женева шаҳрида жойлашган қўнқинлар масалалари бўйича Олий комиссарлиги бошқармасида бошлаган.

ҲИНДИСТОНДА ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Хиндистоннинг йирик саноатлашган, иқтисодий маркази — Мумбай шаҳрида йирик террорчилик ҳаракати содир этилди. Шаҳар темир йўл станцияларида кетма-кет етти марта портлаш кузатилган ва оқибатда 200га яқин киши ҳалок бўлган. Маҳаллий полиция вакилларининг сузларига қараганда, жароҳатланганлар сони 700 нафардан ошди. Шу боис қўрбонлар сони яна ортиши мумкинлиги таъкидланмоқда. Аниқлаштирилган, портловчи мол-малар поезд вагонларининг юк сақлаш жойига ўрнатилган экан.

Ҳозирча ҳеч бир экстремистик гуруҳ қўрбончиликни ўз зиммасига олмаган. Бирок мамлакат ҳукумати бунинг Хиндистон-Покистон чегарасидаги Жамму ва Кашмир штатларида фаолият юритаётган "Лашкари Тойба" ва "Хизбул Муҷоҳидин" экстремистик гуруҳлари амалга оширган, деб ҳисобланапти.

Ҳукумат ҳунрезликни содир этган террорчиларни қидириб топиш йўлида жиддий ҳаракат қилмоқда. Мамлакатда айни пайтда террорчилар қаерга беркинганини айтган шахс 56 минг доллар билан тақдирланиши ҳақида маълум қилинган. Террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Хиндистон бош вазири Манмоҳон Сингх мамлакатда факултета ҳолат эълон қилди. Барча тарихий ёдгорликлар, диний марказлар, темир йўл бекатлари, аэропортлар ҳамда бошқа муҳим иншоотлар жиддий қўриқланмоқда.

НЬЮ-ЙОРКДА ПОРТЛАШ

Нью-Йорк шаҳрида ҳам кучли портлаш юз берди. Шаҳар марказида жойлашган турт қаватли бинонинг портлаши оқибатида ўн беш киши жароҳатланган. Улар орасида ўн нафар ўт учирувчи, туртта йўловчи ва воқеа ўз берган вақтда бинонинг ичиди бўлган 66 ёшли шифокор Николас Барта бор. У мазкур бинода жойлашган бир неча тиббий муассасаларнинг хўжайини ҳисобланапти.

Қаттиқ қўнган Н.Бартанинг аҳоли жуда оғир экани айтилмоқда. Шаҳар маъмурияти вакилларидан бирининг таъкидлашича, вақирона остида қолган Н.Барта уяли телефонидан кўтарув хизматида кўнғирок қилган ва ўт учирувчилар уни кўтариб олишга эришган.

Ҳозирча портлаш айбодори сифатида бина хўжайини гумон қилинмоқда. Мутахассислар ҳалокат ўз жонига қасд қилишга уриниш тўғрисида шубҳа билан, деган тахминни илгари сўрапти. Нью-Йорк полиция департаменти вакилларининг маълум қилишича, Н.Бартанинг рафикаси яқинда полиция маҳкамасига мурожаат қилиб, электрон почта орқали умр йўлдошидан дағдағали хабар олганини билдирган. Маълум бўлишича, эр-хотин узаро келишмовчиликлар сабабли ажрашишга қарор қилган. Қўнган бинон Н.Барта ўзига тегишли ўйин сотиши ва мол-мулкнинг бир қисmini рафикасига бериши лозим эди. Тахминга кўра, у ўз жонига қасд қилишини айтиб, рафикасини қўриқтан бўлиши мумкин.

Портлаш эрталаб, бинода ҳали миқозлар бўлмаган пайти юз берган. Олдинроқ қўшни уйларда яшовчилар кўтарув хизматида кўнғирок қилиб, газ хиди тарқалаётгани ҳақида хабар берган. Ёнигидан сақлаш хизмати ҳам портлашга газ сабаб бўлганини айтмоқда.



Суратда: Махсуд Дадахонов пойабзалларнинг сифатлигини кўздан кечирмоқда.

"Кичкинтой" очик акциядорлик жамияти. Қўли гул қосиблар меҳнат қилаётган Янгийўл шаҳридаги мазкур корхонада бир йилда 30 минг дон қилиш-ёзги болалар пойабзали ишлаб чиқаришмоқда.

— Жамми болажонларга мўлжаллаб чиқарилаётган махсуслотларимиз арзон ва сифатлиги билан бозорда харидорларимиз сони кўн сайин ортмоқда, — дейди қосиб Махсуд Дадахонов биз билан суҳбатда. — Яхшигина дармад қилиб, ҳам оилавий шарт-шароитимизни яхшилаётганимиз боис оиламиз ва қўнлик режаларимизни ортга билан бажарялмиз.

Жамият аъзоларининг келгусида ниятлари катта. Улар корхонага замонавий дастгоҳлар сотиб олиб, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, қўшмича ишчи ўринларини яратишни режалаштиришган.

Тўхтамурод МАМАТОВ

Қилмиш-қидирмиш

ТИҒ КЎТАРГАН НОБАКОР

Одилжон ҒУЛОМОВ,
Тошкент вилояти ИИБ Матбуот
бюроси инспектори, катта лейтенант

Чинозлик 1966 йилда туғилган А.Жўра «Эски Тошкент» кўрғонидида яшовчи таниши А.Ваҳоб билан гап талашиб қолди. Сирқаси сўв кўтармаган А.Жўра личок билан дўстининг қорин қисмига уриб, оғир тан жароҳати етказди. Оқибатда жабрланувчи оғир аҳволда касалхонага ётқизилди. Зўровондан эса личок ашёвий далил сифатида олинди. Энди у суд олдида қилмиши учун жавоб беради.

«ЯХШИ» ЎТИРИШ

Қўн-чирчилик Н.Саидхўмат ва Р.Шамил Ўрта-чир-чиқ тумани Кўн Пен Ха фермерлар уюшмасида яшовчи таниши И.Мусақўлининг уйига меҳмонга боришди. Меҳмондорчилик авжига чиқди. Лекин, негадир, «ях-

Тақдимот

ЯНГИ КИТОБЛАР

Дилвар ШУКУРУЛЛАЕВ,
юридик фанлари номзоди

Тошкент Давлат юридик институти наشريётида Абдуқамол Раҳмоновнинг "Инсон ҳуқуқлари ва дастлабки тергов", "Инсон ҳуқуқлари ва одил судлов", "Фукораларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фукоралар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш тартиби ҳақида" номли китоблари нашрдан чиқди.

"Инсон ҳуқуқлари ва дастлабки тергов" китобидан шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, айбқилиқ презумпцияси, жабрланувчи, гумонланувчи, айбланувчи ва уларнинг ҳуқуқлари, ҳимоячи, қонуний ва-

кил ҳамда вакилларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ савол-жавоблар урин олган. Китобда суриштирув ва дастлабки тергов органларининг ваколатлари, дастлабки тергов, ушлаб туриш ва қамқода сақлаш муддатлари, экспертизалар, прокурор назорати, шунингдек, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш тартиби ҳақида ҳам сўз юритилади. "Инсон ҳуқуқлари ва одил судлов" деб номланган иккинчи китобда эса одил судловни амалга ошириш жараёни тўғрисида батафсил маълумот берилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур ҳуқуқий нашрлар барчага тушунарли тилда ёзилган бўлиб, кенг қи-тобхонлар оммасига мўлжалланган.

С.СОДИҚОВ, Тошкент шаҳри

Сўраган эдингиз

ҲУЖЖАТСИЗ МАШИНА БОШҚАРСА...

Бугунги кунда қўлпана кишилар ҳеч қандай ҳужжатларсиз транспорт воситаларини бошқаришмоқда. Уларга нисбатан бирор бир жавобгарлик борми?

Саломат ИБНОВ,
хўқўшувос

Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 135-моддасига мувофиқ, ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки транспорт воситасига тааллуқли бошқа ҳужжатлар ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспорт воситаларини бошқаргани учун энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдориди жарима тўлайди.

Транспорт воситаларини бош-

қариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг шу воситаларни бошқариши, худди шунингдек, бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларга транспорт воситаларини бошқаришнинг топширилиши энг кам иш ҳақининг бир барабаридан уч барабаригача миқдориди жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бундай воситаларни бошқариши оқибатида энг кам иш ҳақининг уч барабаридан беш барабаригача жаримага тортилади.

Қонун барчага баробар

ПОРА ОБРЎНИ ПОРА-ПОРА ҚИЛДИ

Атаулла РАҲИМОВ,
Навий вилоят прокуратураси иқтисодий жамиятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими катта терговчиси

Инсон ўз амалини, ҳаёт тарзини эъгулик, яхшилик томон буришга, маънавий-ахлоқий тартиб-қоидаларга амал қилиб яшашга қодир. Демократия, киши бошига тушадиган яхши-ёмон кўнларга қўнпича ўзи сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам яхшиликнинг, аввало ўзингдан изла, деб бе-жизга айтишмаган. Бугунги кунимиз эса ҳар биримиздан ҳушёрлиқни, ватанпарварлиқни, замон билан тенг қадам ташлаб, энг олий неъмат — Истиқлол моҳиятини тўғри англаш, бошқаларга ҳам тўғри етказишни талаб қилаётир. Бу ҳар бир фукоронинг вийдон иши, бурчидир. Бугун ким, қаерда ишлашдан қатъи назар ўз меҳнат жамоаси, оиласида бунга алоҳида эътибор бериши шарт.

Мутақаллиққа эришганимиздан сўнг нафақат турмуш тарзимизда, ижтимоий ҳаётда, балки онгимизда ҳам ислохотлар жараёни кечмоқда. Бинобарин, ҳар қандай ислохот, биринчи навбатда, онгимизда акс-сано берганидигина самараси таъсирли кечади. Халқимиз ҳаётда юксак тарихий ўзгаришлар дари бошланган вақтда, қайси хизмат учун? Тендерда, билиб-билмай ислохотларга тўғноқ бўлаётганларнинг борлиги эса ачинарлидир.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар бошланганига анча бўлди. Ҳозирда фермерлик ҳаракати ривож топаётми. Оқилона иш юритиб, эл-юртга фойдаси тегаётган фермерларимиз сони кўнаймоқда. Президентимизнинг «Ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишлари ошқора, адолатли тарзда ва қатъий танлов, тендер асосида ўтказилиши, бунда маҳаллийчилик, уруг-аймоқчилик ва порахўрлик ҳолларига кескин барҳам бериш лозим» деган ўта зарур талабларнинг моҳиятига етмай ўз шахсий манфаати йўлида қонунбузгарликка қўл ураётганлар эса қаттиқ янглишади.

Мисол тариқасида Навбахор туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Юнус Жўраевнинг

ФУТБОЛ — ҚУВОНЧ, ХАЯЖОН...

ЯХШИ СЎЗ — ЖОН МАЛҲАМИ

ИЗЛАНИШ ВА ЯНГИЛИККА ИНТИЛИШ

— 20.00